

Шарх: Қорақалпоғистон Республикаси, К.Убайдуллаев номидаги РХТПХҚТМОИ катта ўқитувчиси М.Тузикеновнинг “Информатика ва хисоблаш техникаси асослари фанини «Янги технология» асосида ўқитиш” ҳақида мақоласи тақдим этилган.

Ҳар бир ўқитувчи фаолиятида энг маҳсулиятли давр бошланди. «Таълим тўғрисида»ги қонун «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ни руёбга чиқариш сифат курсаткичи босқичига кирди. Янги ўқув режаси, дастури, янги авлод дарсликлари, таълим стандартлари яратилиб, ўқитувчилар ва мактаб ихтиёрига тақдим этилди.

Уларнинг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши ва мустақил фикр юритишлирга ундаши бевосита ўқитувчи фаолиятига боғлиқдир. Янги таълим стандартларини ўзлаштириш кафолати янгича замонавий технология асосида иш юритишини талаб этади. Хозирги кундаги энг долзарб масала ва вазифа таълим стандартларини ўқув жараёнига тадбиқ этишдан иборатдир. Янги педагогик технологияни ўқув жараёнига тадбиқ этиш учун унинг илмий-оммавий механизммини яратиш зарур.

Урта Осиё республикалари ичida биринчи марта 1956 йилда УзФА математика институти қошида хисоблаш техникаси бўлими очилди. 1958 йил 30 декабрда Ўрта Осиёда биринчи бўлиб «Урал» электрон-хисоблаш машинаси (ЭХМ) ишга туширилди. 1962 йилда Тошкент шаҳаридаги М20 русумли (Қозон автоматлашган машиналар заводи маҳсулоти), яrim ўтказгичли М220 русумли, «Минск 22», «Урал 2», «БСМ6-1», «БСМ6-2» русумли ЭХМлар ишга туширилди. 1966 йилда марказий хисоблаш бўлими асосида «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси очилди, ишлаб чиқариш бирлашмаси марказлашган. Бу бирлашмада ҳукумат ва жамоат ташкилотларининг буюртмаларига кўра илмий-амалий ишлар амалга оширилар эди. 1978-79 йилларда «Кибернетика» илмий конструкторлик-техника бюроси, шунингдек, тажриба-синов заводи очилди. Бу илмий-амалий муассасаларда республикамизда кўзга кўринган олимлар (Ўзбекистон Республикаси Илмлар Академиясининг академиги Ф.А.Абутолипов, Т.Б. Бўриев, Б.М. Бондаренко, Т.Комилов, Т.Ф.Бекмуратов, Р.Р. Сайдуллаев, С. Ортиқова, Ҳ.З. Икромова, С. Каримбердиева ва бошқалар) фаолият кўрсатмоқдалар.

Республикамизда информатика фанининг ўқитилиши бўйича 15.01.1986 йили № 10 УзССР минпроснинг буйруги асосида ТСО кабинет базасида 1986 йили кабинет очилди. Бу информатика ва хисоблаш техникасининг асослари ва ТСО номига эга булди. Информатика ва хисоблаш техникасининг асослари фанини умумий урта мактабларинда X синфларда ўқитиш 1985 йили, XI синфи ўқитиш 1986 йилдан бошлаб кабул килинди. Бу фанни 8-синфда ўқитиш 1993-94 ўқув йилидан бошлаб йулга куйилди. Ушбу предметни ўқитиш учун дастур, ўқув режалари ишлаб чиқилиб, 1993 йилда 8-синф учун (А.А. Абдуқодиров, Т.Азларов ва бошқалар муаллифлигида), 1994 йилда 9-синф учун (А.А.Абдуқодиров, Т.Р.Азларов ва бошқалар муаллифлигида), 1996 йил 10 синф учун (А.А.Абдуқодиров муаллифлигида), 1999 йил 11 синф учун (Б. Болтаев, М. Маҳкамов муаллифлигида) дарсликлар ярадилди. 2002 йилида 8-синф учун (Б.Ж.Болтаев, М.Махкамов ва бошқалар муаллифлигида) дарслик яратилди. 2002 йили 9-синф учун (Н.И.Тайлаков муаллифлигида) дарслик яратилди.

2003 йили 10 синф учун (А.А.Абкуадиров муаллифлигида) дарслик яратилди. 8 ва 9 синфлар учун фанни ўқитиш самарадорлигини таъминловчи машқлар тўпламлари (А.А.Абдуқодиров ва А.Ғ Ҳайитов муаллифлигида) нашрдан чиқарилди. Республикаимизда информатика ўқитиш мазмунини такомиллаштиришга қаратилган қатор илмий тадқикот ишлари олиб борилмоқда. 2001 йил апрелр ойида «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси асосида «Янги ахборот технологиялари» маркази ташкил этилди. Янги иқтисодий механизmlарга ўтиш даврида ўзининг технологик имкониятларини ривожлантириш фақат ахборот технологияларини қўллаш орқали амалга оширилади. Республикаимизда фаолият кўрсатаётган чет эл фирмаларининг бошида Американинг COMPUTERLAND фирмаси туради, Бу фирма республикамизда 1991 йилдан бошлаб фаолият курсатиб келмоқда.

Чет эл фирмаларининг вазифасига на факат компртютер ва бошка техникаларни сотиш ёки республикамиз мутахасислари билан биргаликда илмий-амалий лойихаларни ишлаб чикириш.Хозирги кунда компютерлар сони 100 мингдан ошиб кетди ва улар, асосида IBM, COMPAQ, HEWLET, PACCARD, EPSON, DAEWOO, SONY фирмаларининг маҳсулотлари булиб хисобланади. Тошкент шахарида COMPUTERLAND/MBL фирмасининг Ўрта Осиёдаги штаби жойлашган. Бу эса ватанимизга маданият, илм-фанни ривожлантиришда катта ролр уйнайди. «Узэкспомарказ » нинг роли катта. Ҳар йили бу марказ компртютер ва бизнес маркази халқаро кўргазма ва илмий-амалий анжуман,семинар ўтказади. Ёшларимизнинг бу борада билим олиш савиялари юқори даражада бўлмоқда.